




# BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

Научный вестник Бухарского государственного университета  
Scientific reports of Bukhara State University

**8/2023**



**8/2023**

E-ISSN 2181-1466



9 772181146004

ISSN 2181-6875



9 772181687004

Telegram: @buxdu\_uz

Instagram: @buxdu1

Facebook: @buxdu1

Website: www.buxdu.uz

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI**  
**SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY**  
**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**Ilmiy-nazariy jurnal**  
2023, № 8, sentabr

Jurnal 2003-yildan boshlab **filologiya** fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab **fizika-matematika** fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab **siyosiy** fanlar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruruviy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.  
Jurnal 1 yilda 12 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

**Muassis: Buxoro davlat universiteti**

**Tahririyat manzili:** 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.  
Elektron manzil: nashriyot\_buxdu@buxdu.uz

**TAHRIR HAY'ATI:**

**Bosh muharrir:** Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Bosh muharrir o'rinnbosari:** Rasulov To'lqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor  
**Mas'ul kotib:** Shirinova Mexrigiyo Shokirovna, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

**Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich**, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

**Danova M.**, filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

**Margianti S.E.**, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

**Minin V.V.**, kimyo fanlari doktori (Rossiya)

**Tashqarayev R.A.**, texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

**Mo'minov M.E.**, fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

**Mengliyev Baxtiyor Rajabovich**, filologiya fanlari doktori, professor

**Adizov Baxtiyor Rahmonovich**, pedagogika fanlari doktori, professor

**Abuzalova Mexrimiso Kadirovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Amonov Muxtor Raxmatovich**, texnika fanlari doktori, professor

**Barotov Sharif Ramazonovich**, psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

**Baqoyeva Muhabbat Qayumovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich**, biologiya fanlari doktori, professor

**Jumayev Rustam G'aniyevich**, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

**Djurayev Davron Raxmonovich**, fizika-matematika fanlari doktori, professor

**Durdiyev Durdimurod Qalandarovich**, fizika-matematika fanlari doktori, professor

**Olimov Shirinboy Sharofovich**, pedagogika fanlari doktori, professor

**Qahhorov Siddiq Qahhorovich**, pedagogika fanlari doktori, professor

**Umarov Baqqo Bafoyevich**, kimyo fanlari doktori, professor

**Murodov G'ayrat Nekovich**, filologiya fanlari doktori, professor

**O'rayeva Darmonoy Saidjonovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich**, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Hayitov Shodmon Ahmadovich**, tarix fanlari doktori, professor

**To'rayev Halim Hojiyevich**, tarix fanlari doktori, professor

**Rasulov Baxtiyor Mamajonovich**, tarix fanlari doktori, professor

**Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich**, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Quvvatova Dilrabo Habibovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Axmedova Shoira Nematovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Amonova Zilola Qodirovna**, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

**Hamroyeva Shahlo Mirjonovna**, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

**Nigmatova Lola Xamidovna**, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

**Boboyev Feruz Sayfullayevich**, tarix fanlari doktori

**Jo'rayev Narzulla Qosimovich**, siyosiy fanlar doktori, professor

**Rasulov Zubaydullo Izomovich**, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

**Qurbanova Gulnoz Negmatovna**, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

**Zaripov Gulmurot Toxirovich**, texnika fanlari nomzodi, dotsent

<b>Норов Ж.Н.</b>	Метафора — лингвокультурологиянинг энг муҳим бирлиги	129
<b>Ҳасанова М.Т.</b>	Билингвизмнинг мазмун-моҳияти ва психологик табиати	136
<b>Rakhimov M.M.</b>	Semantic functional features of the concept of “road”	140
<b>Xojoieva M.Y.</b>	Badiiy nutqda shaxs tavsifli so'z birikmalar	145
<b>Сайдова З.Х.</b>	Проблемы, связанные с современной русской грамматикой и грамматикализацией	149
<b>Raximov M.</b>	Korpus lingvistikasi taraqqiyoti va o'zbek tilshunosligida korpus tahlil asoslari	154
<b>Sadikova G.I.</b>	Developing reading comprehension of expository texts in English by using effective reading strategies	160
<b>Базарова Н.Ш.</b>	Сравнительный анализ фонологических систем русского и узбекского языков в контексте методического подхода	164
<b>Shayzakov G'. M.</b>	O'zbek tilida zamon ma'nosining lisoniy-pragmatik ifodalanishi	172

**ADABIYOTSHUNOSLIK \*\*\* LITERARY CRITICISM \*\*\*  
ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ**

<b>Teshayeva G.J.</b>	Adabiy parallel janri taraqqiyotining ayrim masalalari	176
<b>Рахимова Н.Қ.</b>	Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод”ида “Дил ба ёр”лик моҳияти	181
<b>Очилова Н.У.</b>	Ўзбек халқ оғзаки ижодида “от” образи	186
<b>Рахимова М.Э.</b>	Составление плана-указателя и анализ стихотворного текста как виды самостоятельной работы школьников	191
<b>Yo'ldosheva M.B.</b>	Badiiy tarjimaning o'ziga xos muammolari va ularni bartaraf etish usullari	196
<b>Юлдашева Л.У.</b>	Мост между культурами: переводческое и литературное наследие Абдуллы Каххара в узбекской литературе	201
<b>Shomurodova S.G'.</b>	Xalq dostonlarida kiyim-kechaklar bilan bog'liq motivlarning tasviri	207
<b>Астанова Г.А.</b>	“Минг бир кечা”да бадий маҳорат	211
<b>Kasimova R.R.</b>	Alisher Navoiy g'azallari inglizcha tarjimasida shoir va mutarjim psixologiyasi	216
<b>Abdullahayeva F.A.</b>	“Ayrliq ostonasi” romanida tarixiy vogelikning badiiy ifodasi	224
<b>Eshonqulova G.T</b>	Preserving the implicitness of the original in translation	229
<b>Ashurov J.A.</b>	Erle Stanley Gardner's descriptive language in his novel “The case of the velvet claws”	233
<b>Farmonova M.F.</b>	Struktural tahlilda matn sarlavhasi asosiy obyekt sifatida	237
<b>Abduraximova S.A.</b>	Development of fantasy as a genre in English and Uzbek literature	241

## LITERARY CRITICISM

УЎК 821.411.21

### "МИНГ БИР КЕЧА"ДА БАДИЙ МАҲОРАТ

Астанова Гулнора Аминовна,  
Бухоро давлат университети,  
ўзбек тилишунослиги ва журналистика  
кафедраси профессори, ф.ф.д.  
guli4803@mail.ru

**Аннотация.** Шарқ адабиётининг нодир намунаси бўлган "Минг бир кечада" асарида тасвирланган мафтункор воқеалар, саройлар, кийимлар, гайритабии, кутимаган ташбеҳлар, ҳайратомуз муболагалар, ёрқин тасвирий воситаларга тўла.

Асар ҳикоятларида гуманизм (инсонпарварлик), эстетик түйгуни шакллантиши, ҳаётий ҳақиқат, чуқур мушоҳада ҳикоят гоясининг мантиқийлиги ва ижодий фантазиясининг кенглиги, бадиий деталларнинг аниқлиги ва қайсиидир гояга хизмат қилиши, сюжет курилиши ва образлар тизимишининг яратилишидаги маҳорат, қаҳрамонлар ички дунёсини маҳорат билан очиб берилши, асар тилининг бойлиги ва ранг-баранглиги каби мезонлар асар бадиий маҳоратини кўрсатади. Мазкур маколада бу муассзам асар ҳикоятларидағи бадиий маҳорат муаммолари ҳақида фикр юритилиб, унинг дунёга машҳур бўлишига сабаб ҳам мана шу бадиий таъсир кучининг нечоэлик юқсан эканлиги илмий таҳлилга тортилган.

**Калим сўзлар:** "Минг бир кечада", Шаҳризода, ҳикоят, образ, бадиият, сюжет, драматизм, маҳорат.

### ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ НАВЫКИ ЗА ТЫСЯЧУ ОДНУ НОЧЬ

**Аннотация.** Редкий образец восточной литературы «Тысяча и одна ночь» насыщен очаровательными событиями, дворцами, одеждами, необычными, неожиданными аллюзиями, удивительными преувеличениями и яркими образами.

Гуманизм (гуманизм) в сюжетах произведения, формирование эстетического чувства, жизненной реальности, глубокой наблюдательности, логики идеи повести и широты творческой фантазии, точности художественных деталей и их служения некоторая идея, мастерство построения сюжета и создания системы образов, умелое раскрытие внутреннего мира героев, такие критерии, как богатство и разнообразие языка произведения, показывают художественное мастерство произведения. работа. В данной статье рассматриваются проблемы художественного мастерства в повествовании этого великого произведения, а причина его популярности в мире – высокое художественное влияние.

**Ключевые слова:** «Тысяча и одна ночь», Шаҳризода, сюжет, образ, художественность, сюжет, драматургия, мастерство.

### ARTISTIC SKILLS IN ONE THOUSAND AND ONE NIGHTS

**Abstract.** A rare example of Eastern literature, "One Thousand and One Nights" is full of fascinating events, palaces, clothes, unusual, unexpected allusions, amazing exaggerations, and vivid imagery.

Humanism (humanism) in the stories of the work, the formation of an aesthetic sense, life reality, deep observation, the logic of the idea of the story and the breadth of creative fantasy, the accuracy of artistic details and their service to some idea, the skill in the construction of the plot and the creation of the system of images, the skillful disclosure of the inner world of the characters, criteria such as the richness and variety of the language of the work show the artistic skill of the work. This article discusses the problems of artistic skill in the narratives of this great work, and the reason for its popularity in the world is the high artistic influence

**Key words:** "One Thousand and One Nights", Shahrizoda, story, image, artistry, plot, drama, skill.

**Кириш.** "Минг бир кечада" асари композициясини бош қаҳрамон шоҳ Шаҳриёр ва унинг рафикаси эртакчи Шаҳризода образлари бошкаради. Ҳар тун Шаҳризода томонидан ўта топқирлик

## LITERARY CRITICISM

билин шохга айтиладиган эртаклар тизими минг бир кечага чўзилади. Мақсад – шохни аёлларни қатл эттириш фикридан қайтариш. Ҳикоят ичидаги хикоят усулида ёзилган бу улкан асар мана шу бош гоя атрофида бирлашиб, барча катта-кичик қисса ва эртаклар ўзаро бир ишга тизилади. Асарнинг ички драматизми ҳам шундан келиб чиради.

“Минг бир кеча” эртаклари марказида турган Шахризода саргузашти асарнинг сюжет мантигини ташкил этади. Ҳиндистон ва Хитой подшоси Шахриёр укаси – Самарқанд ҳокими Шоҳзамонни кўргиси келиб, ўз юртига чакиртиради. Шоҳзамон эндиғина шахар дарвозасидан чикканида, хотини қуллари билан айшиштариш бошлайди. Шоҳзамон акаси йўғуда келин ойисининг чўрилар ва қуллар билан бирга ўтирганини кўриб, воқеани акасига айтади. Буни эшиштан Шахриёр биргина хотинидан эмас, балки мамлакатидаги барча аёллардан ўч олиш пайига тушади. У хар тун бир кизга уйланиб, эртасига уни қатл эта бошлайди. Вазир қизи Шахризода шохни бу йўлдан қайтаришга карор қиласди. У дейди: “Қизларни ҳалокатдан кутқаришга сабабчи бўлиб, шоҳ билан умрбод ҳаёт кечираман ёки бутун ҳалк қизлари катори мен ҳам шоҳ киличи остида ҳалок бўламан” [1,23]. Шу тарика Шахризода ҳар тун шохга ибрат ва хикмат бўлган хикоятлар айта бошлайди.

Шахризода шу тарика аёлларнинг ор-номуси, шатни учун курашиб, охир галаба қиласди. Ёзувчи С. Ҷаевий “Минг бир кеча” ни дунёнинг энг кизикарли ва кучли ҳаёт воқеа-ҳодисаси – “аёллар ва эртаклар орасидаги абадий драмани акс эттирувчи” деб баҳолаганда тўла ҳақли эди. Асар насрой хикоят услубида ёзилган бўлиб, ора-орада қиссалар мазмунини чукурлаштириш, унга ёқимлилик ва чирой баҳш этиш максадида шेърий парчалар ҳам берилади.

**Асосий қисем.** “Минг бир кеча” жаҳон адабиётида оғзаки ижод асосида юзага келган ёзма адабиёт намунаси сифатида ўрганилиб келинмоқда. Шарқ насрининг турли жанрларини ўз ичига олган мазкур асарда кичик-кичик масал, хикоят, ривоят, нақлар ҳам, катта-катта саргузашт қисса ҳам, афсона ва эртаклар ҳам мавжуд. Барча эртаклар ҳалкнинг ўй-фикрлари, орзу-истакларини акс эттиради. Саргузашт қиссаларда эса, муҳаббат мажораларини, ҳаётий қиссаларни учратиш мумкин. Эртак ва қиссалар ўз ўкувчинини кўхна Бағдод кўчаларига элтади, китобхон эса бутун Шарқка машҳур халифа Ҳорун ар-Рашид билан бирга бу ерларни кезади. Синдбоднинг саёҳатлари эса денгиз саргузашлари туркумига киради.

“Минг бир кеча” хикоятларида Ҳиндистон, Хитой афсонавий бойликлар мамлакати сифатида тасвирилансан, Эрон гиламлари, Суриянинг нафис матолари факат табиат инъоми бўлиб қолмасдан, асосан унинг меҳнатсевар ҳалқи томонидан яратилганлиги тарихчилар томонидан эътироф этилади. “Минг бир кеча” хикоятларининг деярли барчасида юкорида айтиб ўтилганларнинг ҳар бирни қайта-қайта тилга олинади [1,23].

Бу дурдона асарда бир неча ҳалқлар қадим урф-одатлари, дини, турмуш тарзи бадий образларда ажойиб талкин этилганини кўриш мумкин. Юнон, Рум, Хитой, Ҳиндистон, шунингдек, Ўрга Осиё ҳалқлари этнологиясига оид лавҳаларни ҳам учратиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу асар асрлар оша, бутун дунё адабиётшунослари, этнографлари ва тарихчи олимлари эътиборини жалб этиб келаётir.

“Минг бир кеча” ўз услубига кўра “хикоят ичидаги хикоят” тарзида тузилган: бутун асарнинг бош қолипловчи хикояти, яъни Шахриёр ва Шахризода хикоятлари бўлса, колган қиссалар ичидаги ҳам яна кичик-кичик хикоятлар, ривоятлар келтирилади. Шу хусусият асар фабуласи, оҳангига ҳам таъсир этган.

Эртаклар характеристига хос хусусиятлардан бири, қаҳрамон йигит ва кизни бошқаларга караганда гўзал, доно ва баркамол килиб тасвирилаш. Асар ўз қаҳрамони таъриф ва тавсифини куйидагича беради. Масалан, “У йигитнинг қомати келишган, чехраси гўзал, икки юзи кизил гулдай, қошлари туашган, ўзи ширин сўз, доимо кулиб турар, хурсандчиликни суръ экан”, [2,62] каби.

“Минг бир кеча” эртаклари мундарижаси ҳам, бадний шакли ҳам, тили ва баён услуби ҳам хилма-хил. Бу ҳам уларнинг турли ҳалқларга мансуб эканлигидан ва ҳар хил даврларда майдонга келганлигидан далолат беради. “Ҳар бир эртакда ўзи яратилган макон ва замоннинг “ҳид”и келиб туради. Эртаклар поэтicasида ҳам худудлардаги ўзига хослик кўзга ташланади,” – деб ёзганида тўла ҳақли эди Ж.Аскарова ўз мақоласида [3,56].

Шахризода сўзлаган эртаклари мотивлари тизими сюжеттинг ранг-бараманглигини таъминлаган. Унда ҳайвон ва паррандалар ҳакидаги эртаклар, майший эртаклар, сөхрли-фантастик эртаклар тизими ўрин олган. Ҳайвон ва паррандалар ҳакидаги эртакларга “Кийик билан товус”, “Сув куши билан тошбака”, “Бўри, одам ўғли ва тулки”, “Сичқон билан латча”, “Қарға билан мушук”, “Қарға билан тулки, бурга билан сичқон ва бургут билан чумчук, “Кирпин билан ёввойи каптар”, “Чумчук билан

## LITERARY CRITICISM

товус” [2,2] каби эртакларни мисол келтириш мумкин. Маиший эртакларга асарнинг ““Али ибн Баккор ва Шамсуннахор ҳикояти”, “Шоҳ Шаҳрамон ўғли Қамаруззамон ва малика Будур ҳикояти”, “Анъяд билан Асад ҳикояти”, “Наима билан Неммат”, “Мошиначи, буқри, яхудий шоҳид ва насронийлар”, “Икки вазир билан Анисулжалис”, “Савдогар Айоб билан унинг ўғли Фаним ибн Айоб” ва бошқа шунга ўхшаш ҳикоятларни мисол келтириш мумкин. Сехрли эртакларга “Бой билан жин”, “Охули чол”, “Хачирли чол”, “Балиқчи билан дев”, “Сехрланган йигит”, “Ҳаммол билан кизлар”, “Подшо Бадрбосим ва малика Жавҳара”, “Сайфулмулук киссанси”, “Жодугар Даилиа билан кизи Зайнаб” ва шу каби кўплаб ҳикоятларини мисол келтириш мумкин.

Эртаклардаги “Сюжетнинг инициал қисмини эпиграф, кириш, бошланма, экспозиция ташкил этади. Эпиграф эртакчининг тингловчига айтган мурожаатини англатади. У асосан маҳоратли эртакчи ижодига мансуб бўлиб, шакл-шамойили турличи ифодаланган” [4,115]. Шу нуқтаи назардан асар қиссаларидағи ривоят усулига аҳамият берадиган бўлсақ, эртаклар турли ҳалқларга мансуб бўлса ҳам, XV-XVI асрларда Мисрда йигилиб бир тўплам шаклига келтирилганлиги учун унда китобнинг бошланишидаёт Исломий муқаддимани кузатиш мумкин бўлган “ҳамд”дан бошланиши бунга ёрқин далиллар:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةُ عَلَى سَيِّدِ الْمُرْسَلِينَ سَيِّدِنَا مُوَلَّانَا مُحَمَّدٌ وَعَلَى أَهْلِ وَصَحْبِهِ صَلَوةٌ  
وَمَلَامًا دَانِمِينَ مُتَلَازِمِينَ إِلَى يَوْمِ الدِّينِ (وَبَعْدَ)...

[5,2]

Ҳикоятнинг бошланиш қисмида куйидагиларни ўқиймиз:  
”فَإِنْ سَرَّ الْأَوَّلِينَ مَسَارِتُ عَبْرَةً لِلآخِرِينَ لَكِي بِرِّي الْأَنْسَانُ الَّتِي حَسَّلْتُ لَغْرِيْرَهُ فَغَنِيَرُ وَ بَطَّلَ حَدِيثُ الْأَمْمَ مَا لَسَّافَةُ وَ مَا  
جَرِيَ لَهُمْ فَيَنْزَجُرُ فَبَحَانُ مِنْ جَهَلِ حَدِيثِ الْأَوَّلِينَ عَبْرَةً لِقَوْمِ آخِرِينَ ”فَمَنْ تَلَكَ الْعَبْرُ الْحَكَابَاتُ الَّتِي تَسْمِيُ الْأَفْلَلَةُ وَ لَيْلَةُ وَ مَا فِيهَا مِنْ  
الْغَرَابُ وَ الْأَمْثَالِ..”

[5,2]

(Яъни ўтганларнинг бошдан кечирган кунлари, хаётлари, ҳар қандай ҳодиса, воқеалари келажак авлод учун улуг тажриба ва буюк ибрат бўлди. Ўтмишнинг ана шундай ибратли мъеросларидан бири “Минг бир кеча” ҳикоятларидир.)

Ва яна:

وَاللهِ أَعْلَمُ أَنَّهُ كَانَ فِيمَا مَضَى مِنْ قَدِيمِ الزَّمَانِ..

[5,2]

(Аллоҳ билгувчироқдирки, қадим замонлардан бирида бор эди..) – деб ҳикоят бошланади.

Шахризоданинг ҳар кечкурун ҳикоят айтишни бошлиши қуйидаги тарзида бошланади: **بلغنى ابها** شاھریزودانین ҳар کечکүрун ҳикоят айтишни бошлиши қуйидаги تارзида боشланади: (Эй, саодатли шоҳ, айтишларича..)[5,8] каби. Тонг отиб Шахризод ҳикоят айтишни тўхтатиш жараёни эса айрим кечаларда куйидагича тугаллансан:

وَ ادْرِكْ شَهْرَزادَ الصَّبَاحَ فَسَكَنَتْ عَنِ الْكَلَامِ الْمَبَاحَ فَلَمَّا أَصْبَحَ الصَّبَاحَ دَخَلَ الْمَلَكُ حَلَّ الْحُكْمَ وَ احْتَكَ الْدِيَوَانَ إِلَى أَخْرِينَ نَهَارَتْ  
بلغنى ابها (Яъни Шахризод тонг отганини сезгач, ҳикоят айтишни тўхтатди, тонг отгач, подшо девонга чиқиб кечгacha ўз вазифаси билан машғул бўлди. Сўнгра касрига кўтарилиди, Шахризоданинг синглиси Дунёзод опасидан ҳикоятини давом эттиришини сўради..)[5,6] Бошқа кечаларда эса:

ادْرِكْ شَهْرَزادَ الصَّبَاحَ فَسَكَنَتْ عَنِ الْكَلَامِ الْمَبَاحَ.

(Яъни, тонг отганини сезган Шахризода қизиқарли ҳикоятини тўхтатди) тарзида якунланади. Шу хилда ҳар сафар ҳикоят тонгда тугалланмай колаверади.

Олим К.Имомов эртакнинг кириш қисмини куйидагича изоҳлади: “Кириш сюжетнинг алоҳида қисми бўлиб, унинг мукаммал намунаси профессионал эртакчи репертуарида учрайди,” – дейди [4,115]. Ўзбек ҳалқ эртаклари кириш қисмида анъанавий сўз ўйинини кузатишимиш мумкин: “Бор эканда, йўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, карға какимчи экан, чумчук чакимчи экан..” Бирор “Минг бир кеча” эртакларида асар ровийлари турли давр ва макон кишилари бўлгани учундир, балки, эртак ва ривоятлар турли услубда бошланади.

“Бошлама (зачин) анъанавий формула шаклини олган, асосан воқеа вакти ва маконини англатади. Вакт ўтган замонда юз беради. Воқеа юз берган жой номи, аниқ маконни ифодалайди. У персонажлар тизими, ҳар бирининг қасб-корини белгилайди” [4,116]. Дарҳақиқат, Шахризода ўз эртакларини “Бир вактлар Мисрда бир подшоҳ бўлиб, адолатли ва марҳаматли экан,” (“Вазир Нуриддин билан унинг биродари ҳикояти”), “Қадим замонларда Хитой шаҳарларининг бирида бир мосиначи бўлиб, ҳазил-мазахни ортиқ севар экан,” (“Мошиначи, буқри, яхудий шоҳид ва насронийлар”), “Ўтган замонда бир савдогар бўлиб, мол дунёси ниҳоят даражада кўп экан,”

## LITERARY CRITICISM

(“Савдогар Айоб билан унинг ўғли Фаним ибн Айоб”) жумлалари билан бошлайди. “Бошламанинг шаклий тузилиши барқарор эмас” [4,117]. Дарҳакиқат, “Минг бир кечада эртакларининг асосий эртаги, асосан “қадим замонда”, “ўтган замонда”, “бир замонларда”, “кунлардан бир кун” содир бўлғанлигидан дарак берса, асосий эртак ичидаги кичик ҳикоятлар эса тўғридан-тўғри бошланиб кетади. Чунки у энди ички персонажлар тилидан ривоят килинади. Бу ҳолатни бошламасиз келган эртаклар сирасига киритамиз. Бу ҳам “Минг бир кечада” асари ривоят услубининг ўзига хослигини таъминлайди.

“Минг бир кечада” эртакларидағи конфликт инсон ва унинг турмуш-тарзи, зукколик, тадбиркорлик каби ғоялар замерида юзага келади. Унинг ечимида эса, тўғрилик, поклик, донолик улуғланади. Бир сўз билан айтганда, салбий ва изжобий ҳолатлар китобхонга аниқ ва равшан акс эттирилади. Тугаллама сюжеттинг якуний қисми. Энди у китобхонга кўтарилик рух бағишилаши лозим. Шунга кўра, Шахризода ўз эртакларини аксар “Шоҳ вазирни йигитнинг мамлакатига шоҳ қилиб тайинлабди”, (Юон шоҳ, вазир ва ҳаким Рӯён ҳикояти”), “...Нуриддин халифа ҳузурида бир умр фарогатда яшаб, ошини ошаб юравериби”, (“Икки вазир билан Анисутхалис ҳикояти”), “Шу зайлда улар то лаззатларни бузувчи, мажлисларни тарқатувчи ўлим элчиси келгунча, шод-хуррамлик билан ширин умр кечириб ўтишган экан” (Жодугар Даилида билан кизи Зайнаб” ҳикояти) каби тугаллама билан якунлайди.

“Минг бир кечада” эртакларида акс этаётган қаҳрамон шахслар, воқеа-ходисалар жараёни кўп хусусиятлари ибтиоддан интиҳогача бўртирилади, бадиий бўёқ куюқлашади. Бу албатта, эртак ва киссаларга хос хусусиятдир.

“Минг бир кечада” ҳикоят ва киссаларидаги ошиқ йигит севгилиси висолига етишишда кўпинча дўстлари, тадбиркор вазирлар, ишбilarмон кампирлар мададига таянади.

“Минг бир кечада” ўз эртакларида мухаббатни улуғлайди. Ишк-мухаббат масаласи бу йигитлар – Шаҳзода, вазир ва савдогарзодалар учун ўз баҳти ва кучини синаш, имтиҳон йўлидир. Улар хеч нарсадан кайтмайди. Бу нарса эртаклардаги ҳалқ руҳининг ўлмаслиги, инсоннинг эзгуликка талпиниши ифодасидир.

Ҳикоятлар мажмусаги хос хусусият, уларда самовий кучлар, дев-ажина, илохий парилар иштирок этади. Ҳикоят шуниси билан ҳам кизиқарли. Улардаги фантазия кучли. Бошка ҳалклар эртакларидан фарқли ўлароқ “Минг бир кечада”да дев ва парилар инсонга хизмат килади. Уларни кўтариб учади, йигит ва кизни бир-бираига етказишда асосий сабабчи ҳам бўлади. Шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, унда дев маликаларни севиб колади. Ўғирлаб кетиб, инсон оёғи етмайдиган ерда, ёки ер каърида саклайди. Табиийки, у яна озод килинади. Сехрли фантастик эртакларда жинлар тоифасидаги илохий паривашлар инсонни улуғлайди, хурмат килади. Парилар инсонга хизмат килади, мухаббатини изҳор этади. Буни “Шоҳ Шаҳрамон ўғли Камаруззамон ва малика Будур” ҳикоятида кўришимиз мумкин [2,121].

Бундай воқеалар ҳикоятларда кўп учрайди. Чунончи, “Басралик Ҳасан киссаси” [6,278] да якқол кўриш мумкин. Ёш, соддадил, заргар Ҳасан эронлик моҳир сеҳграрнинг ҳийласига учib, кўп қийинчиликларга дуч келади. Тоғда адашиб юриб, бир қасрга киради. Худди шу ерда у бир тўда қушлар учib келиб, одамзодга айланганда улар орасидаги энг гўзал ва сарвкомат кизни севиб колади. Күш-қизлар учib кетишиди. Ҳасан ўз маҳбубасини излаш, кўлга киритиш максадида хафф-хатар олдиди чекинмайди, қарорини ўзгартиримайди. Ҳасан ўз мақсади – Маноруссанога етишиш жараёнида хеч нарсадан кайтмайди. У ўлим макони – Вок жазирасиға бориб, севгилисини кайтариб келади. Кичик ҳажмдаги бир-инки ҳикоятни ҳисобга олмагандан, асарда факат “Али ибн Баккор ва Шамсуннахор киссаси” [2,61] қайгули тутгайди. Унда бир-бираига етиша олмаган ошиқ-маъшуқларнинг фожеаси ҳикоят килинади.

“Минг бир кечада” асарида Шахризоданинг подшо Шахриёрга сўзлаб берган эртаклари мазмунан бой. Бу эртаклар орасида ишкий мазмун маъно касб этиш билан бирга, тарихий, ахлокий, фикҳий (қозиларнинг ажойиб ҳукмлари) масалаларга оид ҳикоятлар ҳам борки, уларда ҳаёт муаммолари ҳақконий равишда теран ва равшан тасвириланган. Унинг тилидан сўзланган ривоятлар, афсона ва киссаларда аслида тарихий воқеалик, ҳалқ ҳаёлоти, орзу-ўйлари, эзгу ишлари билан уйғунлашиб кетиб, бир бадиий умумлашма ҳосил килган. Шаркона одоб-ахлок, донишмандлик, диний қарашлар урф-одатга айланган анъана ва қадриятлар уларда ўзининг якқол ифодасини топган. Бир сўз билан айтганда, ибратли ўтмиш ёномалари қомусий бир тарзда кенг кўлам касб этган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳар қандай давр, макон ва замонда ҳам аёллар ўз акл-заковатларини, истеъоддларини ҳамиша ва ҳар қандай ҳолатда кўрсата олганлар. Ижтимоий ҳаётнинг

---

## LITERARY CRITICISM

---

турли соҳаларида аёллар ўз ўринларига эга бўлганлар. Жамият тараққиётига, моддий, маънавий бойликлар яратишга ўз хиссаларини кўшганлар. “Минг бир кеч” хикоятларида тарихий ҳакқиат билан ҳалкнинг орзу-истаклари мужассамлашиб, аёлларнинг акл-заковати ва тадбиркорлиги ҳаққоний ва романтик услублар уйғунлигига намоён бўлган.

“Минг бир кеч” хикоятларида бир катор салбий аёллар образи ҳам яратилганки, бундай образлар ижтимоий-тарихий, адабий-тарбиявий жиҳатидан ўзига хос моҳиятга эгадир. Бу салбий образлар феодал-клерикал мухитнинг чиркинликларини фош этишда катта аҳамиятга молик. Қадим давр муросасиз жамият мухити аёлларда ҳам қабиҳ хислатларнинг пайдо бўлишишга, ўз кинғир ишларини амалга оширишда ҳар қандай қабиҳликларга кўл уришга тайёр бўлишишга олиб келар эди. Бунинг исботи сифатида асардаги “Мошиначи, буқри, яхудий шоҳид ва насоролар хикояти” ни, “Анжад билан Асад”, “Шаҳзода ва етти вазир”, “Тегирмончи билан унинг хотини”, “Масрур ва унинг маъшуқаси Зайнулмавосиф”, “Балиқчи, халиф ва маймунлар киссаси” ни келтиришимиз мумкин.

Хулоса ўринида айтиш мумкинки, эртаклар тилининг бундай камолоти унинг асрлар давомида сайқал топғанлигини, ҳалқ даҳоси билан етилган бадний ифода нафосати ва малоҳатини ўзида жамлаганлигини кўрсатади. Бунинг ҳаммаси “Минг бир кеч”га жаҳоншумул шуҳрат келтириди. Унинг жозиба кучини қарор топтириди.

“Минг бир кеч” асари хикоятларида юононлар, хиндлар, эронийлар, араблар, яхудийлар ва бошка ҳалқларнинг карашлари, урф-одатлари ўз аксини топган. Гарчи, материалларнинг катта кисми арабларнинг ўзларига тегишли бўлса ҳам умуман, “Минг бир кеч” асари ҳар бир миллатнинг маълум даражада иштироқи туғилган муштарак ижоддир.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Минг бир кеч. Араб эртаклари. 8 жилдлик. / С. Муталибов таржимаси. – Т.: Ўздавнашр. 1959. Ж. 1. – Б. 23.
2. Минг бир кеч. Араб эртаклари. 8 жилдлик. / С. Муталибов таржимаси. – Т.: Ўздавнашр. 1960. Ж. 3. – Б. 62.
3. Аскарова Ж. Эртакчилик анъаналари. // Жаҳон адабиёти. 2018 йил, 8-сон. – Б. 56.
4. Имомов К. Ўзбек ҳалқ насли поэтикаси. – Т.: Фан, 2008. – Б. 115.
5. . 2. ص. ج. 1976 قاهره . مصر و لبلة . الف
6. Минг бир кеч. Араб эртаклари. / А. Расулов тарж. – Т.: Ўздавнашр, 1963. 8 жилдлик. Ж. 7. – Б. 278.
7. Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. – Москва: Изд-во. Акад. наук СССР. 1956. – С. 443 – 449.
8. Протасова М. Е. Литературная сказка Дж. Макдоналда: проблематика и поэтика: Дис. ... канд. филол. наук. 10.01.03. – Тамбов, 2010. – 187 с.
9. Heath, Peter, 2019. "Dhāt al-Dawāḥī and the Female 'Ayyār in the Arabian Nights." In Tradition and Reception in Arabic Literature: Essays dedicated to Andras Hamori. ed. by Margaret Larkin and Jocelyn Sharlet. Wiesbaden: Harrassowitz, pp. 207–220.
10. Шиодтар Б.Я. От сказки к роману. // Народы Азии и Африки. – М.: 1975. – № 1. – С. 130– 138.